

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 21151,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 104,6 фоизга тенг бўлди. ЯҲМ дефлятор индекси 2017 йилнинг январь - декабрдаги нархларга нисбатан 114,7 фоизни ташкил этди.


Январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ ишлаб чиқариш

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	16504,3	21151,9	104,6
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	15387,6	19809,2	104,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	1116,7	1342,7	104,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	15387,6	19809,2	104,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7713,9	10223,4	105,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3159,3	4211,3	102,8
саноат	2038,5	2758,5	100,3
қурилиш	1120,8	1452,8	107,3
Хизматлар	4514,4	5374,5	105,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1211,4	1472,5	104,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1176,2	1283,4	105,5
бошқа хизматлари	2126,8	2618,6	105,8

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 105,0 фоиз (ЯҲМ таркибидаги улуши – 51,6 фоиз), саноат – 100,3 фоиз (13,9 фоиз), қурилиш – 107,3 фоиз (7,3 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,2 фоиз (7,4 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,5 фоиз (6,5 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,8 фоиз (13,3 фоиз) ни ташкил этди.


2018 йил январь - декабрь учун ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (51,6 фоиз), хизматлар (27,2 фоиз) ва саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (21,2 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 79,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабр ойларида 79,2 фоизни ташкил қилган.

**Хизматлар соҳасининг ялпи кўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

2017 й.

2018 й.



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 27,2 фоиз (2017 йил январь- декабрда 29,4 фоиз) ни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,4 фоизни (2017 йил 7,9 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари – 6,5 фоизни (7,6 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 13,3 фоизни (13,9 фоиз) ташкил этди.